

ЖАЛЛІК СЎЗІ



1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

27 июнь, сешанба, 1995 йил
Сотувда эркин нархда. № 121 (1123)

НАМАНГАН ВИПОЯТИ ГАЛЛАКОРЛАРИГА

Азиз биродарлар!
Эришган меҳнат галабан-
гиз муборак бўлсин!
Давлатга 80 минг тонна-
дан ортиқ дон сотиб, белги-
ланган режани уддалаганин-
гиз билан ўзларингизнинг
фидойилигингизни, матона-
тингизни, истиқлолимиз ба-
хш этган шукҳули кунлари-
мизнинг бебаҳолигини чин

дилдан қадрлашларингизни
ва эртанги порлоқ кунни-
мизга қатъий ишончингиз-
ни яна бир қарра намойиш
этдингиз.
Мамлакатимизнинг галла
мустиқиллигини таъминлаш
борасида Сиз, азиз наман-
ганликлар амалга ошираёт-
ган эзгу ишларни юқори қа-
дрлайман ва бу борадаги

гайрат-шижоатли меҳнатин-
гиз учун самимий миннат-
дорлик билдираман.
Сизларга, азиз дўстлар,
сиҳат-саломатлик, омонлик,
бахту иқбол ва эзгу ниятлар
йўлида улкан муваффақият-
лар тилайман.
Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Ислом КАРИМОВ.



Нодира Иброҳимова Наманган бадий
буюмлар фабрикасида уч йилдан буён
У бу ерда миллий кийимлар тикши
сирларини пухта ўрганди.
Т. МАҲҚАМОВ олган сурат.

САМИМИЙ МИННАТДОРЛИК

Сахалин оролида вайронагарчиликка сабаб бўлган кучли
зилзила юз бергани муносабати билан ҳамдардлик бил-
дирган дўст Ўзбекистон раҳбарияти ва халқига, шахсан
Президент Ислом Каримовга, давлат ва жамоат ташкилот-
ларига, меҳнат жамоаларига, Ўзбекистон Республикаси-
нинг барча фуқароларига самимий миннатдорлик билди-
раман.
Табий офатдан жабр кўрганларга сизнинг мададингиз,
моддий ёрдамингизни ҳамда зилзила оқибатларини туга-
тишда кўмак беришга тайёрлигингизни россияликлар хал-
қларимизни бирлаштириб турган юксак дўстлик ва кар-
дошлик туйғуларининг чинакам ифодаси деб қабул қилди-
лар.

Ф. СИДОРСКИЙ,
Россия Федерациясининг Ўзбекистон Республикасидаги
Фавқулодда ва мухтор элчиси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

У. Қ. Исмоиловни Ўзбекистон Республикаси
Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон
Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
Истиқболни белгилаш ва статистика давлат
қўмитасининг раиси этиб тайинлаш тўғрисида
Уктам Кўчқорович Исмоилов Ўзбекистон Республикаси
Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Ва-
зирлар Маҳкамаси Истиқболни белгилаш ва статистика давлат
қўмитасининг раиси этиб тайинланган.
Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри,
1995 йил 24 июнь.

«Галла-95» СЎЗ ВА ИШ БИРЛИГИ

Наманган вилояти галлакорлари республикамизда дон
мустиқиллигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшишга аҳд
қилганликларини амалда ибтомламоқдалар.

Улар бу йил 52 минг гек-
тар майдонга, ўтган йилга
нисбатан 10 минг гектар кўп
ерга галла экишганди. Ҳо-
сил ҳар қачонгидан мўл бўл-
ди. Урим-ийғим эса уюш-
қоқлик билан ўтказилди. На-
тижада қисқа муддатда дав-
лат хирмонида 80 минг тон-
надан зиёд сара дон етказиб
берилди.

давлатга топширишни ра-
батлантириш чора-тадбирла-
ри тўғрисидаги қарори му-
ҳим аҳамият касб этди. Гал-
лакорлар ана шу ҳужжат асо-
сида зудлик билан тadbир-
лар ишлаб чиқиб, уни рўёб-
га чиқаришга муваффақ бўл-
дилар. Айниқса, Чортоқ,
Мингбулоқ, Норин, Уйчи,
Учқўрғон ва Наманган ту-
манлари галлакорлари қўлга
киритган ютуқлар қувончи-
дир. А. Мўминов номли, Қ.
Солиев номли, «Бўстон»,
«Ўзбекистон», «Москва» ва

би жамоа-ширкат ҳўжалик-
ларида эса ҳар гектар ердан
50 центнердан ошириб хир-
мон кўтарилди.
Вилоятда йиллик режа ба-
жарилган бўлса-да, урим-ий-
ғим ишлари сўзатирилган-
ни йўқ. Галлакорлар давлат-
га қўшимча 50 минг тонна
дон сотиш, япши ҳосил миқ-
дорини 208 минг тоннага ет-
казиш йўлида астойдил
гайрат-шижоат кўрсатмоқда-
лар.
Айни пайтда ҳўжаликлар-
да галладан бўшаган майдон-
ларга сабзавот, картошка ва
озуқа экинлари экиш ишла-
ри жадал олиб боришмоқда.
А. МАДАТОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ФАОПЛАР ЙИГИЛИШИ

Бухорода Ўзбекистон Республикаси Олий Мажли-
сининг вилоятдан сайланган депутатлари, шаҳар ва
туман ҳокимлари, вилоят ташкилотлари раҳбарлари
иштирокида фаоллар йиғилиши бўлди. Уни вилоят
ҳокими М. Раҳмонов бошқарди.

Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари
И. Жўрабеков Олий Мажлис иккинчи сессиясида
қўрилган масалалар ва улардан келиб чиқадиган ва-
зифалар тўғрисида маъруза қилди.
Йиғилишда муҳокама этилган масала юзасидан
тегишли қарор қабул қилинди.

Навоийда Ўзбекистон Республикаси Олий Маж-
лиси иккинчи сессиясининг яқунларида бағишлан-
ган йиғилиш бўлди. Унда Олий Мажлис ва вилоят
кенгаши депутатлари, фаоллар қатнашди. Йиғилиш-
ни вилоят ҳокими Х. Гаффаров бошқарди.

Йиғилишда мазкур сессия мамлакатимиз ҳаётида
муҳим тарихий воқеа бўлгани, унда республикамиз
янги парламенти — Олий Мажлис фаолиятининг
асосий йўналишлари, депутатларнинг бурч ва вази-
фалари белгилаб олингани алоҳида ташкилданди.

Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари
И. Жўрабеков йиғилишда нутқ сўзлади.

ТУТДАН КОНСЕРВА

Самарқанд вилояти Оқдарё ту-
мандаги мева ва сабзавотларни
консервалаш корхонаси 7 турдаги
маҳсулотлардан консервалар тайёр-
лайди.

Шу кунларда марварид тутдан 1,5
тонна консерва қилинди. Корхона бу
йил 8 минг тонна турли меваларни
консервалаш мажбуриятини олган.

Г. САОДАТОВА.

ДЕПУТАТЛАР ҲИСОБОТ БЕРМОҚДА

Жиззах вилоятининг Баҳмал тумани маркази —
Ўсмадта меҳнат жамоалари вакилларининг 70-Баҳ-
мал сайлов округидан Ўзбекистон Олий Мажлисига
сайланган депутат, вилоят ҳокими Алишер Тошкен-
боев билан учрашуви бўлди. У ўзининг депутатлик
фаолияти ҳақида, Олий Мажлис иккинчи сессияси
қарорларини амалга ошириш борасида вилоятда
қилинаётган ишлар, белгиланаётган тadbирлар тўғ-
рисида гапирди.

Шунингдек, Жиззах туманидаги Ҳамроқул Но-
сиров номли жамоа ҳўжалигида Ўзбекистон Рес-
публикаси Олий Мажлиси депутати, Олий Мажлис
Котибияти бошлиғи Омон Олимжонов билан ҳам
сайловчиларнинг учрашуви бўлиб ўтди.

(ЎЗА).

АКЦИЯЛАШТИРИШГА БАҒИШЛАНДИ

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусу-
сийлаштириш ҳал қилувчи паллага кирди. Ҳўн, Тош-
кент вилоятида иқтисодий ислохотнинг навбатда-
ги муҳим босқичи қандай бормоқда?

Вилоят фаолларининг
семинар-кенгашида ана
шу ҳақда гап борди. Унда
республика Президенти-
нинг шу йил 12 июндаги
«Давлат мулкни бўлган кор-
хоналарни акциялашти-
ришни жадаллаштириш ва

қимматли қоғозлар бозо-
рини тақомиллаштириш
чора-тадбирлари тўғриси-
да»ги Фармони ҳамда Ва-
зирлар Маҳкамасининг
шу масалага оид қарори-
дан келиб чиқадиган ва-
зифалар муҳокама қилин-

ди. Республика Давлат
мулкни бошқариш ва
тадбиркорликни қўллаб-
қувватлаш қўмитаси раи-
сининг ўринбосари Р. Ра-
ҳимжонов, вилоят ҳоким-
и Э. Рўзиев ана шу ма-
сала юзасидан маъруза
қилди.
Семинар-кенгашида рес-
публика Президентининг
Давлат Маслаҳатчиси Т.
Алимов сўзга чиқди.

(ЎЗА).

«ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА»

26 июнь кунини Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар
вазирлигининг Қабуллар уйда мамлакатимиз Президент-
ини Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислохот-
ларни чуқурлаштириш йўлида» номли янги китобини та-
ништириш маросими бўлиб ўтди.

ижтимоий йўналтирилган
бозор иқтисодиётини тў-
ла шакллантириш, исло-
хотларнинг иккинчи бос-
қичи ва Ўзбекистоннинг

таъкидлади.
«Ўзбекистон» нашриё-
ти томонидан ўзбек, ин-
глиз ва рус тилларида чоп
этилган китоб икки қис-
мдан иборатдир. Унинг
биринчи қисмида иқтисо-
дий ислохотларнинг даст-
лабки яқунлари ва сабоқ-
лари таҳлил этилса, ик-
кинчи қисмида ислохот-
ларнинг навбатдаги бос-
қичида бажариладиган ва-
зифалар ҳамда устивор йў-
налишлар ўз аксини топ-
ган.

Маросим қатнашчилари
ушбу китоб Ўзбеки-
стон иқтисодиётини ри-
вожлантириш ва унинг
ўзига хос томонларини ўр-
ғанишда муҳим манба бў-
лишини таъкидлади.

(ЎЗА).



Б. Ҳамидов, ташқи иш-
лар вазири А. Комитов ва
сўзга чиққан бошқа ки-
шилар мамлакатимизда

жаҳон иқтисодиёти тизи-
ми билан яқинлашуви жа-
раёнида мазкур асар му-
ҳим қўлланма бўлишини

(ЎЗА).

«ҲИНДУ» ГАЗЕТАСИ МУХБИРИ — МЕҲМОНИМИЗ

Яқинда Ҳиндистон Республикасининг «Ҳинду» га-
зетаси мухбири Суринараяна «Халқ сўзи» ва «Народ-
ное слово» газеталарининг меҳмони бўлди.

Маълумки, «Ҳинду» га-
зетаси жаҳондаги машҳур
ва йirik нашрлардан ҳис-
обланади. У бундан 118
йил муқаддам, яъни ҳинд
халқининг инглиз мустам-
лакачиларига қарши кура-
ши давридаёқ чоп этила
бошлаган эди. Бутун кун-
ига 500 минг нусxada на-
шр этиладиган «Ҳинду»
мамлакатнинг миллий на-
зетаси саналади.

«Халқ сўзи» ва «Народ-
ное слово» газеталари Бош
муҳаррири, Ўзбекистон
Республикаси Олий Маж-
лиси депутати Анвар Жў-
рабеов меҳмонга тахри-
рият ходимларининг мам-
лакат иқтисодиётини ри-
вожлантириш, бозор ис-
лохотларининг аҳамияти-
ни кенг оммага тушунти-
риш ва мустиқиллиги

мизни мустақкамлаш бо-
расида амалга ошираётган
ишлари ҳақида гапириб
берди.

— Мен ўзбекларнинг
меҳмондўстлиги, меҳнатсе-
варлиги ҳамда саховатли
қалб соҳиби эканлиги ҳис-
са қўшиш мақсадида бу йил қўлга
гектарга бугдой экилди. Звено-
ларда бугдой парваришига катта
этибор берилди, 3 марта суғо-
рилди. Ҳосилнинг чўчи ёмон эмас.
Май ойларининг бошларида бў-
либ ўтган қаттиқ шамол кўп жойда-
ги бугдойларни йиқитиб ташлади.
Агар комбайн ўрса, ҳосил нобуд
бўлади. Шунинг учун 500 гектар
ердаги бугдой қўл билан ўрил-
моқда. Бўшаган жойларга эса ора-
лик экинлари экилади. Вилоят гал-
лакорлари 10 кун ичида ҳосилни
нест-нобуд қилмай йиғиштириб
олиш учун тинмай меҳнат қилмоқ-
далар.

Учрашув самимий ва
дўстона руҳда ўтди.

Р. ЭРМУАММАД.

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Навоий вилоят фаолларининг семинар-кенгашида
Президентимизнинг «Давлат мулкни бўлган корхона-
ларни акциялаштиришни жадаллаштириш ва қиммат-
ли қоғозлар бозорини тақомиллаштириш чора-тадбир-
лари тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамаси-
сининг шу масалага оид қароридан келиб чиқадиган ва-
зифалар муҳокама этилди. Уни вилоят ҳокими Х.
Гаффаров бошқарди.

Республика Бош вазирининг ўринбосари, Давлат
мулкни бошқариш ва тadbиркорликни қўллаб-қувват-
лаш қўмитаси раиси В. Чжен мазкур масала юзасидан
маърузасида вилоятнинг Навоий, Учқудўқ шаҳарлари-
да давлат мулкни хусусийлаштириш, уларни қиммош-
ди савдосида сотишга етарли эътибор берилмаётганини
айтди. Навоий, Навбахор, Томди, Учқудўқ, Қони-
мех туманларида саннат ва қишлоқ ҳўжалик объекта-
ларини сотиш ҳақида уйлаб ҳам қўрилаётгани йўқ. Шу
боис вилоятда хусусийлаштириш режаси 12 фонз бажар-
рилган, холос. Семинар-кенгашида кўрсатиб ўтилган
камчиликларга тезла барҳам бериш чора-тадбирлари
белгиланди.

(ЎЗА).

ЖУРНАЛИСТЛАРГА МУКОФОТЛАР

Ўзбекистон Журналистлар
уюшмаси котибияти ўтказ-
ган «Йилнинг энг яхши жур-
налистик иши» учун аънава-
вий кўрик-конкурс яқунлан-
ди. Ўзбекистон Журналист-
лар уюшмаси мукофоти лауре-
ати унвонига Ўзбекистон
Миллий ахборот агентлиги
халқаро ахборот тахририяти
бош муҳаррири Амирқул КА-
РИМ, «Ўзбекистон овози» га-
зетасининг бўлим мудирини
Норқобил ЖАЛИЛ, «Халқ сў-
зи» газетасининг катта мух-
бири Расул ЖУМАЕВ, шу
газета бўлим мудирини Мукар-
рама МУРОДОВА, «Спорт»
газетасининг бош муҳаррири

ўринбосари Асрор МЎМИН,
«Ўзбекистон алабети ва санга-
ти» газетаси бўлим мудирини
Аҳмад ОТАБОВЕВ, «Бухоро ҳақи-
қати» газетасининг бош муҳа-
ррири Тошпўлат АҲМАД,
журналистлар Рашид АСЛО-
НОВ, Искандар РАҲМОН,
«Тошкент ҳақиқати» газетаси-
нинг бўлим мудирини Зарифа
ЭРАЛИЕВА, «Бекобод илчи-
си» газетасининг муҳаррири
Абдурахим БОБОНАЗАРОВ,
Олтиариқ тумани «Давр овози»
газетасининг муҳаррири
Олимжон ҲАКИМОВ, Тара-
қўрғон тумани «Машъал» га-
зетасининг бош муҳаррири
ўринбосари Содиқ САЙХУН,

«Биржевой вестник Востока»
газетасининг бош муҳаррири
Галина ЧЕБАКОВА, «Ўзе-
бекистон-контакт» журналини-
нг ходими Азизахон ТҮЙЧИ-
БОВЕВА, Ўзбекистон телеви-
денеси ижтимоий-сиёсий
курсатувлар бош тахририяти
муҳаррири Рузйобой ҚУЛДО-
ШЕВ, республика радиосининг
сўнгги ахборот тахририяти
шарҳловчиси Аҳмадjon БУЗ-
РУКОВ сазовор бўлдилар.
Ҳамкасбаримизни муко-
фот билан чин дилдан қут-
лаймиз.

(ЎЗА).

ҚУТЛАЙМИЗ!

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ко-
тибияти ўтказган «Йилнинг энг яхши жур-
налистик иши» учун аънававий кўрик-кон-
курс ғолиблари ичида газетамиз бўлим му-
дирини Мукаррама Муродова ва катта мух-
бир Расул Жумаев ҳам бор. Шунингдек, «Биз-
нес-пресс» тапловида масбул котиб ўрин-
босари Исматилла Тошев фахри иккинчи ўрин-
ни қўлга киритди.

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газетала-
ри жамоалари ҳамкасбарини мукофотлар
билан муборакбод этади.

ДОН МУЛ- ҚУЛЛИГИ УЧУН

Тошкент вилояти пахта мева
ва сабзавот экинлари экишга иқ-
тисослашган. Шунга қарамай, аҳо-
лининг дон маҳсулотларига бўл-
ган эҳтиёжини таъминлашга ҳис-
са қўшиш мақсадида бу йил қўлга
гектарга бугдой экилди. Звено-
ларда бугдой парваришига катта
этибор берилди, 3 марта суғо-
рилди. Ҳосилнинг чўчи ёмон эмас.
Май ойларининг бошларида бў-
либ ўтган қаттиқ шамол кўп жойда-
ги бугдойларни йиқитиб ташлади.
Агар комбайн ўрса, ҳосил нобуд
бўлади. Шунинг учун 500 гектар
ердаги бугдой қўл билан ўрил-
моқда. Бўшаган жойларга эса ора-
лик экинлари экилади. Вилоят гал-
лакорлари 10 кун ичида ҳосилни
нест-нобуд қилмай йиғиштириб
олиш учун тинмай меҳнат қилмоқ-
далар.

Р. ЭРМУАММАД.

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК, ҲАМКАСБЛАР!

ТАРАҚҚИЁТ ВОСИТАСИ

Қулар теран мазмунга эга. Шу теранлиқни ҳам энидан, ҳам бўйидан тўла қамраб оладиган ягона бир кашфиёт бор. У ҳам бўлса инсоният ақли, эхтиросининг энг ажойиб маҳсули — газета.

Кейинги икки аср ичида инсоният тараққиётининг бу қадар тезлашуви, шитобли тусга киришида, чамаси, газетадан кўра кўпроқ ва хўброқ хизмат қилган бошқа ҳодиса йўқ. Газета инсоният фаолиятига дахлдор бошқа барча соҳаларни ўзида жамлаб акс эттира олади. Ундан олим ҳам, ишчи ҳам, хунарманд ҳам, хизматчи ҳам барабар манфаатдор. Чунки одамларнинг янгиликларига қизиқишлари жуда ўткир ва ҳеч қачон енгил бўлмайдиган ҳусусият. Шу ҳусусиятга газетачилиқдан ортиқроқ жавоб берадиган, қизиқишларни қондиришга хизмат қиладиган бошқа биронта соҳа йўқ.

Газета билан ёлғиз ўтирганингизда одамнинг хаёли тўлади, ёришади, дилофингизга етти иқлимнинг ҳавоси киргандай бўлади. Ўтган аср ва янги асрнинг аввалларида миллий мустақиллик ва ижтимоий тараққиёт учун кураш олиб борган улғур маърифатпарварларимиз тўп-замбараклар, ракета ва снарядлар, кимёвий захарли моддалар билан эмас, газета қудрати, газета кучи, салоҳияти билан истибодга қарши жанг қилишга бел боғлаганлари ва ўз фидокорликларида тарихий миқёслар билан ўлчанадиган натижаларга

эришганликлари сир эмас. Улар Туркистон тонгида севиқли ватан учун газеталар қанчалик хизмат қилиши мумкинлигини ниҳоятда чуқур англаб етган ва халққа газеталар бериш учун жонларини ҳам аямай хизмат қилган эдилар. Улар газетани атомдан ҳам қулироқ деб билган эдилар. Ростдан ҳам, «Тараққий» ёки «Садоий Туркистон» ўз вақтида унлаб тиштернонгича қуролланган қўшинлар қилолмаган ишни адо этолган эди. Улар халқнинг онгини янги замон, янги мақсадларга жалб этиб уйғотолган ва муволажа бўлиб туюлмасин, эски замонлар халқи ўрнида янги атомлар асрининг халқини вужудга келтирилган эдилар.

Бугунги газеталаримиз ўша улғур маърифатпарварлар чикарган газеталарнинг миллатпарвар, ватанпарвар меросхўри эканлиги билан биз, газетчилар — ҳаммамиз чин маънода фахрланамиз. Газеталар ҳаммиси — янгилик ва тараққиёт бўлиб келган ва назаримда, миллий заминимизда ривож топаётган бу ажойиб соҳа халқимизнинг илгор қунига, орзу-аъмолларининг рўёбга чиқишига сидқидилдан хизмат қилади.

Иброҳим ҒАФУРОВ, «Миллий тикланиш» газетасининг бош муҳаррири.

Эхтирос

Фаҳрийларнинг фаҳрийси бўлган бизларнинг жуда кўп хурматли журналистларимиз бор. Мен уларни бугунги байрам билан чин юракдан табриқлайман. Мана, бугун ўзбек журналистикасига жуда катта бир куч кириб келяпти. А. Орипов ибораси билан айтганда, шу «митти юлдузлар»ни қаламлари билан табриқлайман.

Ҳамкасбларимиздан айримлари ўзлари севаган касбларидан кечаятган бир даврда ёшларнинг редакцияга кириб келиши бизни жуда қувонтиради. Ҳозир матбуо-

тимизда ишлаётган инсонлар — энг садоқатли инсонлар. Елиб-югуриб, қўлидаги ён дафтарчасини кўтариб

ишлашни мен қаҳрамонлик деб ҳисоблайман. Фурсатдан фойдаланиб, болалар матбуоти ходими си-

дан бири-жажжигина болалар матбуотининг давлат тасарруфига олиниши бўлди. Мен жажжи матбуот, деб

маънавий бойлигини асраб қолиш, деб тушунаман. Ҳозир оддийгина қоғоз етмаётган даврда болалар нашрларига пул берилди, маблаг ажратилди. Булар бугунги кун учун оддий кўринади. Лекин ҳисоблаб чиқилганда, у давлатимиз ҳазинасидан кетапти. Бу қўллаб-қувватлаш замирида эътибор ҳам бор. Бугунги болаларимизнинг дидларига мос материаллар берсин деб ҳаракат қилиб, эртанги кунга мос газета-журнал чиқармас деспмиз, болалар матбуоти-мизга ана шу эътибор керак эди!

Янги нашрлар АДОПАТ — КЎПҚИРРАПИ ТУШУНЧА

— Бизнинг газетамиз «Адолат» социал-демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий нашри. Газета вазифалари мамлакатимиз ҳаётида содир бўлаётган воқеалар ва иқтисодий ислохотлардан тортиб оддий кишиларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга бориб етди.

«Кўч адолатдир» деганда буюк Соҳибқирон нечоғлиқ ҳақ эдилар. У бундан албатта қонуний, адолатли, унинг ҳаққий ижросини назарда тутгани маълум. Шу боис «Адолат»нинг маъзулари ҳам кўп қиррали, гот ранг-баранг, турли-туман. У ҳаётимизнинг ҳамма соҳасига дадил кириб боради. Яхши ишларни мактайдил, эзу ниятларга йўлдош бўлади, ёмон ишларни адолат тўқмоғи билан савалайди, қорангил кишиларни бу аросат йўлдан қайтаришга уринади. Ижтимоий адолатнинг ҳаётимизда жорий этилиши, шу жумладан, миллат ҳамжиҳатлиги, жаннатда икхтимий турмуш ва турли миллатлар, халқлар ўртасидаги унғунлик ҳақиқат (қонун) қуқмонлигининг ифодаси тарзида шаклланади. Фуқароларга, кам таъминланган табақаларга, етим-есирларга, бева-белворлар турмушига адолатли қўз билан қараб, тахририятга эриш ёки шикоят билан мурожаат этган ҳар бир фуқаро ёрдам бериш бош мақсадимиздир.

«Жиноят жазоси қолмайди», «Янги қонуларни шарҳуямиз», «Қонун барча учун баробар», «Сўз залидан», «Қилмиш-қилдириш», «Фармон ва ижро», «Мулоҳаза, муҳокама, баҳо», «Нуқтани назар», «Юзма-юз» ружидларни остида қилдирилган итсофидеҳнатга, тафраккур айбомуқда келмақда. Ватанин, халқин сармоққа, дўстлик ва биродарликни улғутламоққа, тинчлик ва барқарорликни сақламоққа, халқимизнинг қалбини ва тилида салдиқларда асрлар бўйи сақланган рушнулик кўрмалар қадрият ва маънавиятини тарғиб этмоққа қаровончи муроғалар газета саҳифаларидан тўшмайди.

Бугунги кунда ошпа сизжишмизга нималар, қайси илжизлик ҳақиқат берапти? Қимлар ўз шаъбей манфаатини давлат, халқ манфаатидан устуқ қўйяпти? Халқ мулоғига қимлар қўз олайтирапти? Адолатни қимлар эгитяпти? Жиноятчиликнинг илдини нималар? Нега хуқубузарликка йўл қўйилади? Ислохотлар йўлида қимлар тўқинлик қўйяпти? Президент фармонларини, ҳуқумат қарорларини қимлар бажармайти? — Бу савалларга бугун ва келажакда «Адолат» газетаси орқали жавоб топасиз.


Тўхтамурод ТОШЕВ, «Адолат» газетасининг бош муҳаррири вазифасини бажарувчи.

КЕЛАЖАК ТАРБИЯЧИСИ

қишлоқма-қишлоқ, шаҳарма-шаҳар юриб, жон куйдириб, Ўзбекистонни қадрлашга чорлаб юрган, ҳаётда бўлаётган камчиликларини кўриб сатаётган, айни вақтда юрагига ватан туйғусини туйиб

фатида, бир оддий журналист сифатида бизнинг давлатимиз жуда катта буюк ишларга қўл урганни таъкидлашни истайм. Бу кўтлуғ ишларнинг айримлари ҳосилга кирди. Шулар-

айтайман. Лекин бунинг замирида катта маъно ётади. Чунки болалар матбуотини қўллаб-қувватлаш деган сўз — эртанги Ўзбекистонни қўллаб-қувватлаш, етишиб келаятган ўзбек халқининг



БАЙРАМ ҲАЗИЛИ

Компьютерлар жони-дилим, Газетани севаман. Ҳатто баъзан тушларимда Компьютерни кўраман.

Оғайилар ҳазиллашар: «Бўйдоқ билмас ҳорини», Уйланишга ҳали ёшман, Эплай соқол қиришни...»

В. МИРОШНИЧЕНКО олган сурат.

Қанотларимиз ИШТИЁҚ БЎЛСА БАС

«Халқ сўзи» газетасини ўқитганингизда ёки варақлаётганингизда тўртинчи саҳифадаги «Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди» деган сўзларга кўзингиз тушади. Унинг техник жиҳатдан сифати ва ранг-баранг чиқишида «Шарқ» концерни оператори Илбс Лочинов (суратда) билан ҳарф терувчи оператор Барноҳон Бадиловнинг ҳиссаси катта.

— Илбс ака, сиз бундан олдин қўл кучи билан бажариладиган машинада ҳарф терувчи бўлиб ишлагансиз. Айтингчи, компьютерда ишлаш жараёнининг ўша усулдаги иш жараёнидан афзалликлари нимада?

— Қўл кучи билан бажариладиган машиналарда ишлаганимиз бир талай камчилик ва нуқсонлари бор эди. Харфларни кўришнинг металл ёрдамида терардик. Бу эса саломатлик учун ўта хафли бўлиб, инсон организмни тез захарлайди. Иккинчидан эса, ҳар бир сўзни ёки харфини тузатиш чоғида ўша сўзни ёки бутун бир жумлани қайта теришга тўғри келарди. Кейин бу қайта теришга сўзлар саҳифалаш дастгоҳига жойлаштириларди. Бунинг учун кўп вақт ва меҳнат сарфлардик. Оқибатда ишни тузатганда, ярим кечаятча ишхонада қолиб кетган вақтларимиз кўп бўлган. Компьютерда бу ишларнинг ҳаммаси биргина клавишаларни бошиш билан амалга оширилади. Умуман, газетачилиқда компьютер тизимига ўтиб ҳато қилмадик. Ишнинг сифати, унумдорлиги ортди. Шу билан бирга ҳам ишчи кучи, ҳам вақт тежалапти. Газетада чиқадиган суратларни жойлаштиришни ҳам компьютер дастурига киритгандик. Қолаверса, тоза ва ёрғум хонада озода кийиниб, хушқайфият билан ишлаш-

Ўйла бошида Кўпда қалам, репортёрни Епқапаб олдим...

Ўзбекистон радиосининг «Маориф ва тарбия» бош муҳарририятида «Келажак тонги» эшиттиришини тайёрлаётган. Бош муҳарриримиз, ёзувчи Эркин Маликов менга «Она юртим — олтин бешигим» эшиттиришини ишониб топширдилар. Ана шу эшиттириш тақдиримда ёрқин из қолдирди, десам бўлади.



нингдек «Бола ва дунё» р у к н л а р и бўйича саҳифалар тайёрлашга ҳаракат қилаётганман... Аммо ёганларни мени қониқтирмапти... Ҳали ўз устимда кўп ишлашим керак.

Ҳозирги кунда «Экология, саломатлик ва болалар», шу-

Республикамиз болаларидан

Бекзод ҲАЙИТМЕТОВ.

Бош муҳаррирлар миқдори ФАОЛИЯТИМИЗНИНГ КЎШ ҚАНОТИ

Камол МАТЕКУЗОВ, Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасининг органи — «Кўзгү» халқатаи газетасининг бош муҳаррири.

— Газетамиз ўтган беш ой ичидеёқ ўзининг муштарийларини топди. У гагин Давлат матбуот қўмитасининг нашри бўлса-да, фақат ноширлар ва журналистлар фаолиятини еритиш, уларнинг муаммоларини кўтариб чиқиш билан чегараланиб қолаётгани йўқ. «Кўзгү» саҳифаларида маънавият ва иқтисод масалалари биланёқ ёришмоқда. Аникрой, асосий эътиборимизда ҳар икхала соҳага бирдеқ қаратишга ҳаракат қилаймиз.

Мадагний масалалари билан шуғулланиш ҳамма оммавий ахборот воситаларининг биринчи галдаги иши. Бирорта газета, журнал, радио ёки телевидение истадими-истамайди-ми, мадагний оламини еритишга буюри. Лекин истисод масаласи ҳаммамиз иши бўлган ҳолда республикамизда ҳам доирадаги журналистларга бу борода фаолият кўрсатишяпти. Бошқача айтганда, бугунги янги иқтисодиётнинг, бозорга мослашаватган янги ҳаётимизни кўрсатиб берадиган нашрларга эътибор.

Газетамиз мунадрасининг асосий қисмининг «Ўз кўнган асарлар» ружидига материаллар ташиқил қилади. Биз бу ружидда Назимиддин Қўброн, Имом Ғазаллий, Фариддин Аттор, Ас-Солибий сингари алломаларнинг дурдона асарларидан парчалар эълан қилаемиз.

Умуман айтганда, нитларимиз кўп. Гап нитининг ўзидангина эмас. Мўштарий газетадан бирор янгилик ололса, биз ўз мақсадимизга маълум даражада етдик, дейишимиз мумкин.

Унинг муҳаррирлиги остида 1919 йил 16 декабрь кунин поитахтининг Эски шаҳар қисмида Россия ахборот агентлигининг ўзбекча нашри «Рус То» номи билан босма деворий газетанинг биринчи сонин босмадан чиқди. Чўпон 1921 йили Бухоро Халқ Республикасининг маъсул раҳ-

ДАПИП ВА РАҚАМЛАР

Республика оммавий ахборот воситалари ходимларидан 3074 ижодкор Ўзбекистон Журналистлар уюшмасига бирлашган.

Журналистларнинг 569 нафарини ёшлар, 1005 нафарини ўрта ёшлагилар, 1399 киши қирқ ёшда, 799 ижодкор олтинмиш ёш остонасиде бўлса, 250 нафар қаламқаш фаҳрийлик қошонасида. Шундай қилиб, ҳамкасбларимизнинг тўртдан уш қисми авжи чарқамайдиган, қалами қайралган — қирчиллама қирқ яшар.

Уюшма аъзоларининг тўртдан уш қисми одий маъзуломли мутахассис. Ундан бир қисми эса шу қаламинини фақат қалби ўқитган, «мутасасиб»лардир.

Айни шу кунларда республикамизда жами 350 номда газета ва 66 номда журнал нашр этилмоқда.

Бизни жаҳон тинглайди Дўстлик тўлқинларида

Хорижий мамлакатларга эшиттирилган республика радиосида 9 қардош тил билан бир қаторда ҳар кунини урду, ҳинд ва инглиз тилларида жами 3,5 соат эшиттиришлар тайёрланади. Бу эшиттиришларни ер юзининг 50 дан ортиқ мамлакатиде тинглашади. Эшиттиришларимизнинг асосий мақсади мустақил Ўзбекистонини дунё миқёсиде яна ҳам кенгроқ таништиришдир. Республиканинг халқаро олоқлари, иқтисоди ва мадагний ҳамкорлигини тўлароқ еритиш мақсадида эса Президентимиз Ҳиндистон, Покистон, Корея, Малайзия, Индонезия, Япония ва бошқа мамлакатларга расмий сафарини чоғида имзолаган ҳамкорлик ва дўстликни ривожлантириш борасидаги шартномалардан фойдаланиш мақсади. Эшиттиришлар маъкеини кўтариш, мазмунини тарафлаштириш ва сифатига сайқал беришда тинчлик, дўстлик, ҳамкорлик ва инсонларпарварлик каби умум-

минсоний қадриятлар асос қилиб олинган бўлса, эшиттиришларга янги гоғларни олиб кириш учун муаллифлар доираси кенгайтирилмоқда. Тахририятнинг ўзига хос ҳуеусиятларини назарда тутган ҳолда хорижий мамлакатлардан Ўзбекистонга таширф буюрган журналистлар, тарихчи ва тилшунос олимлар билан таржимон, диктор ва муҳаррирларнинг амалий учрашувлари ташкил қилинди.

Ҳозирги кунда чет элларда юздан ортиқ «Тошкент радиоси» мухлисларининг клублари» мавжуддир. Тахририятимизга келаятган хатларнинг сонини янада кўпайтириш ва радио мухлислар учун қўлайликлар яратиш мақсадида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиация компанияси билан қилишлган ҳолда Ҳиндистон, Покистон, Сингапур, Ма-

лайзия, Тайланд ва Буюк Британия мамлакатларида Тошкент радиосининг почта тўқтиси ўрнатилгач, кўп вақт ўтмасдан ҳатлар оқими ортиб кетди...

Қисқаси, Осиё мамлакатлари халқлари учун урду, ҳинд ва инглиз тилларида 30-40 йил давомиде эфирга чиқаятган эшиттиришларнинг эзгу гоғларни хорижий мамлакатларнинг радиотингловчиларни қалбига сингир кетди. Ўзбекистоннинг порлоқ келажакини яратиш, унинг чет эллардаги обрў-эътиборини янада орттириш йўлида радиожурналистлар ижодий изланишининг янги қирраларини очинида камарбаста бўлиладилар.

Аминжон РУСТАМОВ, республика радиосининг хорижий мамлакатларга эшиттиришлар «Осиё» бош тахририятининг бош муҳаррири.

Миллий матбуотимиз даргалари

... ҲАМ ПУБЛИЦИСТ ЭДИ

Абдуҳамид Сулаймон ўғли Чўпон (1897—1938) ўзбек матбуотининг асосчиси билан бири, моҳир публицист ҳам эди. У қатор деворий нашрларда адабий ходим, маъсул қалб, бош муҳаррир вазифаларида фаолият кўрсатиб, «Иштирокчи» газетасини (1918—1920) тахрир хайъати аъзоси бўлган.

Унинг муҳаррирлиги остида 1919 йил 16 декабрь кунин поитахтининг Эски шаҳар қисмида Россия ахборот агентлигининг ўзбекча нашри «Рус То» номи билан босма деворий газетанинг биринчи сонин босмадан чиқди. Чўпон 1921 йили Бухоро Халқ Республикасининг маъсул раҳ-

барларидан Абдурауф Фитратнинг тавсиясига биноан «Бухоро ахбори» ружомасига муҳаррирлик қилди.

Чўпон ўша йиллари турли даврий нашрларда фаолият кўрсатиш билан бирга публицистика соҳасида ҳам барқали ижод қилди. У кўпроқ халқ оммасининг мадагний савиясини оқсатириш ва унинг маънавий дунёсини бойитиш билан боғлиқ масалаларни қаламга олди ва тўлғиниб қолган муаммоларнинг ечимини топдишда жамомта қўмақлашди. У кунлиқ турмуш ҳодисаларини журналистиканинг турли жанрларида ифодалашга ҳаракат қилди: қабарлар, фельетонлар, йўл очерклар, турли мақолалар, тақрирлар эди. Ўзбек матбуотида публицистиканинг ривожланишида унинг хизмати беқеъде. Чўпон публицистикаси чин

маънода халқпарварлик гоғлари билан йўғриландилар. Бу ҳуеусият маърифат манузида ёзилган мақолаларида яққол кўзга ташланади. Чўпон ҳаммиси эл-удуени жаҳалд исқанқасидан халос этиш, халқини рушнуликка етаклашдек эзгу умид билан яшайди.

Унинг публицистик меросиде умтишадиган бой мадагнийнинг буюк намоёндалари шахсиятини, ижодини тарғиб қилувчи мақолалар алоҳида ўрин тутуди. Публицист эмондошларни қалбиде улғур аждоғларни ардоқлаган умуминсоний қадрият-

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА, «Халқ сўзи»нинг жамоатчи муҳбири.

Файзулло БОБО ДўСТ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Эътиқод муҳри

ЖУРНАЛИСТНИНГ ИСМИ-ШАРИФИ

Ўқувчилик чоғларимда журналистларга жуда ҳавасим келарди. Уларни дунёдаги энг билимдон, ҳалол, жаҳонгашта, ҳеч қандай хавфдан чўчимайдиган, ҳамма нарсага қодир кишилар деб ўйлардим. Бугун эса уларга унчалик ҳавас қилмайман. Лекин болалиқдаги журналистларга бўлган хурматим ўн ҳисса ортан бўлса ортангина, камайгани йўқ. Мен уларни халқининг оғир кунларида ҳам, хушнуд дамларида ҳам ҳаммадан илгари йўқловчи, хўнги сўровчи фидоий инсонлар деб тушунаман. Ахир ўз изтиробрларини, рўзгоридаги етишмовчиликларини унутиб, кимнингидир бошига тушган мушсабат учун қайғуриб, ўзгалар қувончидан астойдил шодланиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келвермаслигини эндигина англаб етгандайман. Журналист ўзгалар қиёфасини очиниш учун ўз қалбини ағдар-тўнтар қилади. Тушгача деҳқон ёки олим бўлиб фикрласа, пешиндан сўнг эртага халққа тақдим этилиши лозим бўлган газета саҳифаларини сатрма-сатр, сўзма-сўз фикр чизикларидан ўтказди. У кимнингидир хизматини элга кўз-кўзлаш, кимнингидир ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун ўз жонини азобга қўяди. Кимдандир олқиш олади, кимдандир... Унинг эҳпати тўфайли биров лавозимини қайта тиклайди, биров машҳур бўлиб кета-

ди. Журналист эса қисиниб-қимтиниб яшайверади. Ҳаловатсиз туллар, умидли кунлар газета ва журнал саҳифаларига — тарих зарваракларига муҳрланиб бораверади, ҳаво мавжлари, ойнайи жаҳон шувълари орқали хонадонимизга, кўнглимизга нур бўлиб қиради. Бир сўз билан айтганда, журналистнинг исми-шарифи қалб алангасида тўйуларини, бутун иқтидорини, салоҳиятини сиёҳ қилиб ёзган мақоласининг бир кечкасигона тиркаб қўйилади, холо!

Биласиз, тахририятга ҳеч ким бекорчиликдан хат ёзмайди, бу мақтубларнинг зилдай юки ҳам журналист елкасига тушади. Бирор яхшироқ мақола ёки очерк ўқисак, унинг қаҳрамони ҳақида узоқ вақтлар тўлқинлиб гапириб юрамиз. Лекин ўша яхши асарнинг муаллифи ким эканлигига ҳар доим ҳам қизиқвермаймиз.

Биз шу даражага бориб етганмики, журналистлар ҳақида мақолалар ёзилмаслигидан, улар тўғрисида ҳеч нарса билмаслигимиздан ажабланмаймиз, гўё бу табиийдек. Шу пайтга қадар бирор журнал муқовасида журналистнинг рангли суратига қўзим тушмаган. Нега энди халқимиз ора кунда ойнайи жаҳонда кўдини тўрадиган санъаткорни ёки шоирни таниши керагу юртимизнинг энг холис хизматкорлари бўл-

миш журналистни танимаслиги керак! Ахир эртага яхши бир журналистни далада ёки ишхонада учратиб, ёнидан беписанд ўтиб кетсак, бу унга оғир ботмайдим!

Мен ўз оиласи ва фарзандлари билан ижара уйда яшагани ҳолда бир хонали уйда қийналиб ижод қилаётган олим ёки рассом ҳақида куйиниб мақолалар ёзаётган журналистларнинг бағрикенглигини олқийшлагим келайди. Қанийди, шу кўтлуғ кунларда бевақт вафот этган қалам соҳибларининг хотира кечалари, таваллуд тўйлари дабдаба билан ўтказилса деб орзу қиламан.

Бугун ўзбек журналистикасининг тамал тошларини қўйган Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Бехбудий, Фитрат, Чўпон, Абдулла Қодирий каби улғур устозларни эсламаслик мустолақ мумкин эмас.

Журналист оила аъзолари учун ажратилиши лозим бўлган вақтининг, эътиборнинг катта қисминини ижод учун сарфлайди. Демак, бугун унинг турмуш ўртоғи, фарзандларининг ҳам байрамидир.

Биз барча ҳамкасбларимизнинг уйи ҳам уларнинг кўнглидек тўқин, кенг ва нурафшон бўлишини истардик.

«Бизнес-пресс» танлови якунланди

ГОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари «Бизнес-пресс» танловида биринчи ўринни эгаллади

Аввал хабар берилганидек, Президентнинг 1995 йил 5 январдаги «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони ижросини кенг ёритиш ва тушунтириш, мамлакатимизда тадбиркорлик ҳаракатини ривожлантириш ва унга сергайрат, ташаббускор, истеъдодли кишиларни жалб этиш ҳамда бизнес билан шуғулланишнинг мавқеини кўтариш мақсадида Кичик ва ўрта тадбиркорликка кўмаклашувчи республика жамғармаси «Бизнес-пресс» танловини эълон қилган эди. Танлов 25 мартдан 25 июнга қадар ўтказилди. Унда туман, шаҳар, вилоят ва республика оммавий ахборот воситаларининг журналистлари қатнашдилар. Матбуот ходимлари кунги арафасида ушбу танлов натижалари махсус эксперт комиссияси томонидан кўриб чиқилди.

Газета, журнал, телевидение ва радио муҳаррирларининг «Тадбиркорлик — долзарб мавзу» танловида 33 та тахририят, жумладан 11 та республика марказий нашри иштирок этди. Уларда 278 нафар муаллиф имзоси билан 363 та мақола эълон қилинди. Малакали журналистларнинг «Бизнеснинг олтин қалами» танловида республика марказий нашрла-

рида 39 та муаллиф имзоси билан 65 та мақола ёрилди. Вилоят, шаҳар, туман газеталарида эса 23 нафар қаламкаш имзоси билан 73 та мақола берилди. Шунингдек, республика телевидениесидан 3 та кўрсатув, радиода 24 та эшитириш тайёрланди.

Эксперт комиссияси «Тадбиркорлик — долзарб мавзу» танлови бўйича «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари тахририятларини голиб деб топди. Бу тахририятлар 30.000 сўм пул мукофоти билан тақдирландилар.

Иккита 2-ўринга «Правда Востока» ва «Ўзбекистон овози» газеталари муносиб кўрилди. Уларнинг ҳар бирига 10 минг сўмдан пул мукофоти берилди.

Учта 3-ўринни эгаллаган «Андижоннома» газетаси ходими М. Абдукаримов, «Вечерний Ташкент»дан О. Харченко ва «Самарқанд» газетасидан Р. Орифжоновларга 3000 сўмдан пул мукофоти берилди.

Бундан ташқари, «Мулдор», «Деловой партнер Узбекистана», «Азия-Юнпресс» республика газеталари бош муҳаррирлари, Наманган вилоятидан журналист О. Исмаилов, «Биржевой Вестник Востока»дан С. Новопрудский, Хоразм вилоятидан журналист Д. Мухамедов, Ўз-телерадиокомпаниясидан Б. Мухамедов, Т. Раҳимов, А. Қоржовов, А. Солиқов, З. Тожибоева, К. Тошмирзаевлар «Бизнес-фонд»нинг қимматбаҳо совғаларига мушарраф бўлишди.

Гарчи Ўзбекистон ва Қозғистон олимпия терма жамоалари ўртасидаги учрашув гуруҳдаги энг асосий, ҳал қилувчи ўйинлардан бири бўлса-да, пойтахтимиздаги марказий «Пахтакор» стадионига кўлаб мухлислар келмади. «Пахтакор» стадионига томошабинларнинг кам ташири бундан биз учун табиий ҳол кўринган ва бунга анча кўниқиб қолган бўлсак-да, бу ҳол шу кунги учрашувнинг бевосита шохиди бўлиш учун Қозғистондан келган ҳамкасбларимизни ҳайратлантирди. Уларнинг учрашувдан сўнгги матбуот конференциясидаги «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга катта аҳамият берилгани, миллий терма жамоангизнинг Осиё ўйинларида голиб чиқиши эса қитъада катта воқеа бўлди, шундай бўлса-да, нега стадионга жуда кам томошабин ташири буюрди?» деган саволи жавобсиз қолди. Туррироғи, матбуот конференциясида бу саволга жавоб берилган футболга мутасадди раҳбарлардан ҳеч қим қатнашмади. Тан олинч керак, айни дамда томошабинларнинг стадионга кўлаб келмаётгани масаласи республикада муаммо бўлиб турибди. Бунинг қатор сабаблари борки, бу ҳақда газетамизнинг келгуси сонларининг бирида алоҳида тўхталамиз.

Ҳа, Ўзбекистон ва Қоз-

Футбол

ОЛИМПИАДА ЧЎҚҚИСИГА КЎТАРИЛИШ ОСОН ЭМАС

Осиёнинг 25 футбол жамоаси келаси йили Атаманда ўтказилган финал ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини берилган учта йўналишга учун кураш олиб боришяпти. Жумладан, Марказий Осиё мамлакатлари футбол жамоалари жамланган «Е» гуруҳининг бир учрашуви шанба кунги пойтахтимизда ўтказилди.

Гарчи Ўзбекистон ва Қозғистон олимпия терма жамоалари ўртасидаги учрашув гуруҳдаги энг асосий, ҳал қилувчи ўйинлардан бири бўлса-да, пойтахтимиздаги марказий «Пахтакор» стадионига кўлаб мухлислар келмади. «Пахтакор» стадионига томошабинларнинг кам ташири бундан биз учун табиий ҳол кўринган ва бунга анча кўниқиб қолган бўлсак-да, бу ҳол шу кунги учрашувнинг бевосита шохиди бўлиш учун Қозғистондан келган ҳамкасбларимизни ҳайратлантирди. Уларнинг учрашувдан сўнгги матбуот конференциясидаги «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга катта аҳамият берилгани, миллий терма жамоангизнинг Осиё ўйинларида голиб чиқиши эса қитъада катта воқеа бўлди, шундай бўлса-да, нега стадионга жуда кам томошабин ташири буюрди?» деган саволи жавобсиз қолди. Туррироғи, матбуот конференциясида бу саволга жавоб берилган футболга мутасадди раҳбарлардан ҳеч қим қатнашмади. Тан олинч керак, айни дамда томошабинларнинг стадионга кўлаб келмаётгани масаласи республикада муаммо бўлиб турибди. Бунинг қатор сабаблари борки, бу ҳақда газетамизнинг келгуси сонларининг бирида алоҳида тўхталамиз.

фистон олимпия терма жамоалари ўртасидаги ўйин гуруҳдаги ҳал қилувчи учра-



шув эди. Агар унда ҳамюртларимиз голиб чиқса, мавқеини жуда мустақамлаб олган ва қолган уч учрашувни хотиржамлик билан ўтказган бўларди. Бироқ, ўтган турда қутулмаганда Бишкекда дуранг ўйнаб, кейинги босқичга берилган ягона йўланмани кўла кiritиш имконияти узлари учун жуда мураккаблаштириб қўйган қозғистонлик футболчилар бу гал кўтаринки рўнда тўп суришди.

Учрашув дастлабки дақиқалардан оқори тезликда бошланди. Бу асосан қарши ҳужум услубини танлаган қозғистонликлар учун қўл келди. Умуман, бу Қозғистоннинг барча терма жамоалари хос бўлган услубдир. Оммавий равишда

тепиш имконлари пайдо бўлган.

Учрашув тугашига 15 дақиқа қолганда Дилмурод Назаровнинг шахсий маҳорати эвазига жавоб тўпи киритилди. Лекин орадан 5 дақиқа ўтмай, футболчиларимизнинг ҳужумга берилиб кетишидан фойдаланган қозғистонликлар иккинчи тўпни киритишга муваффақ бўлишди. Бу сафар ҳам Олег Литвиненко дарвозани аниқ нишонга олди.

Шундай қилиб, йўланмани кўла кiritиш учун қозғистонликларнинг имконияти 40 фоиздан 70 фоизгача кўтарилди. Бизнинг жамоамизнинг имконияти эса аксинча, ёмон томонга ўзгарди. Чунки, қолган 3 учрашувнинг иккитасини олимпиячиларимиз сафарда, бунинг устига сўнгисини Алматыда ўтказишди. Футбол мухлисларига яхши маълумки, авваллари ҳам қозғистонликлар бизнинг футболчиларга ўз майдонларида деярли ютказишмаган.

Уч турдан сўнг қозғистонликлар 7 очко билан гуруҳда биринчи ўринни эгаллаб турибди. Олимпиячиларимиз ҳисобида 6 очко бор.

Ўзбекистон ва Қозғистон олимпия терма командалари учрашувида республика Бош вазири, Ўзбекистон Футбол федерациясининг президенти А. Муталов ҳозир бўлди.

Футболсеврлар учун қолган учрашувларнинг қайси кунлари ўтказилишини эслатиб ўтамиз:

12 август. Ўзбекистон — Қирғизистон, Қозғистон — Тожикистон.

2 сентябрь. Қозғистон — Қирғизистон, Тожикистон — Ўзбекистон.

3 октябрь. Қирғизистон — Тожикистон, Қозғистон — Ўзбекистон.

Расул ЖУМАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ОРОЛ: КЕЧА ВА БУГУН

И. Савицкий номли қорақалоқ давлат табиий санъат музейида янгидан ташкил қилинган расмлар кўргазмаси Орол денгизининг Кечаси ва бугунги кун ҳақида ҳикоя қилади.

Музейга ташириб буюрган томошабинлар У. Тансиқбоев, Г. Чернохин, Б. Серекеев, Ф. Мадагзин, А. Бержанов каби таниқли манзарачи расмларнинг Орол мавзусидаги асарлари билан танишиш имкониятига эга бўдилар.

Ушбу кўргазмани ташкил қилишда музей жамоасига «Мўйноқ» музейи мамурияти, шунингдек, Голландиянинг «Новиб» ҳамда Қорақалпоғистоннинг «Орол» халқаро хайрия жамғармалари катта ёрдам бердилар.

Х. АБДУСОДИҚ, «Халқ сўзи» мухбири.

МАНАСГА БАҒИШЛАНДИ

Маълумки, ЮНЕСКОнинг қарори билан 1995 йил «Манас» йили деб эълон қилинди. Қирғиз халқининг бу улкан маънавий мероси яратилганига 1000 йил тўлди.

Қардошларнинг қўлтуғ байрами ўзбеклар учун ҳам қадри. Бу фикрни яқинда Шароф Рашидов туманида бўлган «Манас» дostonининг ўн асрилик ёшига бағишланган тантаналар ҳам далиллади. Бу тантана туманда истиқомат қилаётган минглаб қирғизлар каби ўзбеклар ва бошқа миллатга мансуб кишиларнинг ҳам катта тўйига айланди. Туман хожими Иброҳимжон Ибодуллоев, Сирдарё вилоят хожимининг ўринбосари Собиржон Усмонов ва бошқалар қирғиз қардошларини «Манас»нинг улғур ёши билан қўллаб-қувватладилар.

А. ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Наби Ғаниев номли Тошкент кинотехникуми кундузги ва сиртки бўлимларга 1995-96 ўқув йили учун талабалар қабул қилади:

- Кино асбоб-уқунлари ва видеотехника ишлатиш-кинобио-техник-оператор.
- Рўзвор радиоэлектрон техникасига техник хизмати кўрсатиш ва сошлаш - радиотехник (радиотелемастер);
- Томиқоғонларга оид тадбирларни овоз техникаси билан таъминлаш - овоз техник-оператори;
- Халқ ҳўжалиги тармоқларида иқтисод ва режислаштириш - техник-иқтисоди.

Талаболар қабул қилиш тест синовлари (11 синф) ва имтиҳонлар (9 синф) асосида ўтказилади. Ҳужжатлар умумий қондалар асосида қабул қилинади.

Манзил:
Тошкент шаҳри - 95, Талабалар шаҳарчаси, 2-Чимбой, 96-уй.
Телефонлар: 46-04-00, 46-13-13, 46-47-86.

"Тошкент сўи"

- акциядорлик жамоасига доимий ишлаш учун сўт маҳсулотларини етказиб берувчи (экспетиторлар) керак.
- Иш ҳақи олиб борилган сўт маҳсулоти миқдорига қараб белгиланади.
- Жамоа аҳолига юқори савияга сўт маҳсулотлари етказиб беришга ҳамкорлик қилувчи қархоналар ва шахсларни таклиф қилади ва буюртмаларга асосан уйга сўт маҳсулотлари етказиб беришни мўлжалламақда.

Мурожаат учун манзил:
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани 26 мавзе "Тошкент сўт" акциядорлик жамоаси, қарғлар бўлими.
Телефонлар: 72-02-85, 72-16-14, 72-02-81.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирига Генерал Петров номли Республика Мусиқачилар тарбияловчи мактаб - интернати 1995-96 ўқув йили учун қуйидаги мутахассислар қабул қилинади:

Флейта, габой, кларнет, фого, волторна, труба, трембон, туба, зарб билан чалинадиган асбоблар.

Дарслар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Ўқишга 5 синфдан бошлаб ўғил болалар қабул қилинади.

Қуйидаги ҳужжатлар ҳавола қилинади:

1. Тиббий маълумотнома.
2. Туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома.
3. Турар жойдан маълумотнома.
4. 6 дона 3x4 см. ли фотосурат.

Ўқиш бепул. Ўқувчилар тўлиқ давлат қарамоғида бўладилар.

АРИЗАЛАР 1 ИЮНДАН 1 СЕНТЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Бизнинг манзили:
Тошкент шаҳри, 700207, "Ғалабининг 40 йиллиги" мавзеси, 2 квартал, 28-уй.
Автобуслар: 30, 110; трамвай: 29, 6. "Гўзал бекасти".
Тел.: 97-96-40.

"Трансрейн" ҚҚ - МУШКУЛИНГЎНИ ЕНГИП ҚИЛАДИ

Марказий Осиё минтақасида ягона бўлган Швейцариянинг "Трансрейн АГ" фирмаси бўлими мижозларга ўз хизматини таклиф этади.

Ҳажми ва миқдори қанча бўлишидан қатъий назар барча типдаги юкларни дунёнинг сиз хоҳлаган нуқтага воситасиз расмийлаштиради ва ташиб беради;

Ташиш жараёни бўйича маълумот учун ахборотлар беради.

"Трансрейн АГ" фирмасини Германия, Япония, Финляндия, Россия, Белорус, Озарбайжон, Қозғистон, Латвия, Эстония ва бошқа унинг вакилликлари ишлаётган давлатларда ишончли шерик деб билишади. Ўзбекистонлик мижозлар учун ҳам юкларини буюрилган манзилга етказиб бериш имконияти яратилди.

"Трансрейн" ҚҚ -
бу сертармоқ компаниянинг аниқ алоқа йўлга қўйилган, шериклар билан ишлаш шакллари ишлаб чиқилган бўлишидир.

"Трансрейн" ҚҚ -
бу республикада фаолият юритаётган фирмаларга нисбатан энг арзон нархларда транспорт хизмати кўрсатади.

"Трансрейн" қўшма қорхонаси
хизматидан фойдаланиш - бу сизга тижоратда муваффақиятга эришишингизда кафолатдир.

Манзилимиз: 70060, Тошкент шаҳри, Шевченко кўчаси, 7.
Тел.: (3712) 59-58-13, 59-69-17.
Факс: (3712) 59-58-13.

МУЛҚЧИЛИКНИНГ БАРЧА ШАКЛЛАРИДАГИ ҚОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКЦИОНЕРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ

«ҒАЛЛАБАНК»

ОДДИЙ БАНК ВЕКСЕЛЛАРИНИ МУОМАЛАГА ЧИКАРДИ

- Векселлар бўйича мажбуриятлар банкнинг барча активлари билан кафолатланган ва олти даражали ҳимоя воситасига эга.
- Векселларнинг муомаласи бўлишининг энг узоқ муддати 6 ой.
- Қўйилган энг кам маблағ 50.000 сўм.
- Вексел номинали белгиланмаган.

ВЕКСЕЛ:

- Юридик шахсларга хизмат қилади.
- Барқарор даромад келтиради.
- Вексел товар ва хизмат кўрсатиш ҳисоб-китобларида қўлланилади.
- Банк вексели ёрдамида ўзаро қарзлар бўйича ҳисоб-китоб қилиш мумкин.
- Вексел индоссамент бўйича бошқа юридик шахсларга берилиши мумкин.

«ҒАЛЛАБАНК»нинг векселлар бўйича хизмат кўрсатувчи бўлимлари:

1. Нукус шаҳри — телефон (36122) 77-227, 77-226.
2. Андижон шаҳри — (37422) 62-467, 65-756.
3. Бухоро шаҳри — (36522) 34-269, 57-405.
4. Жиззах шаҳри — (37222) 35-612, 22-267.
5. Қарши шаҳри — (37522) 32-443, 30-245.
6. Наманган шаҳри — (36922) 32-678, 32-792.
7. Навоий шаҳри — (43662) 66-547.
8. Самарқанд шаҳри — (3662) 310-448, 337-060.
9. Термиз шаҳри — (37662) 40-086.
10. Тулстон шаҳри — (36722) 22-410, 22-305.
11. Фарғона шаҳри — (37322) 75-664, 76-962.
12. Ургач шаҳри — (36222) 42-790, 42-896.

Сизларни қизиқтирган саволлар бўйича қуйидаги манзилаҳа мурожаат қилишингиз мумкин:
700060, Тошкент шаҳри, Лоҳутий кўчаси, 36.
Тел.: (3712) 337-172; 361-105.

СИЗЛАРНИ ҲАМКОРЛИККА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ!

«Она ва Бола» республика маркази шифохонаси мамурияти шифохона шифохори А. Файзуллаевага отаси Норкул ФАЙЗУЛЛАЕВнинг вафот этганини муносабати билан чўқур тазия иҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Биолог» илмий-ишлаб чиқариш биришмаси жамоаси «Усимликлар генетикаси» лабораториясининг катта илмий ходими Солиқов Султонга отаси Султон НАРУЗОВнинг вафоти муносабати билан чўқур тазия иҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Иқтисодий институтининг ва жамоаси катта илмий ходим, кимё фанлари номзоди Рустам КАРИМОВнинг вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўқур тазия иҳор қилади.

«Ўзбекнефтгаз» миллий корпорацияси ишонч жамоаси марказий ишлаб чиқариш диспетчерлик бошқармасининг бошбиги Шамуель ОКУЛОВнинг вафот этганини муносабати билан унинг оила аъзоларига чўқур тазия иҳор қилади.

Ҳамма номдаги Санъатшунослик илмий тадқиқот институти раҳбарияти ва жамоаси институтининг бош илмий ходими Ф. Кароматовага онаси Шарофат КАРОМАТОВАнинг вафоти муносабати билан чўқур тазия иҳор этади.

Тошкент кимё-технология институти жамоаси фундаментал фанлар факультети декани, доцент Р. С. Сайфутдиновга отаси Сайфутдин ИБРАГИМОВнинг вафоти муносабати билан чўқур тазия иҳор этади.

ХАЛҚ СЎЗИ
НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Анвар ЖўРАБОВЕВ.

БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Халқлар 33-07-48;
Қишлоқ ҳўжалиги 36-07-94;
Иқтисодий 36-36-65;
Маънавият 36-35-60;
Ахборот 36-29-89;
Тўғи муҳарририни 33-10-28.

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Набатчи муҳаррир — О. Раҳимов.
Набатчи — Ш. Мутаҳҳаров Уев.